

## “МАЖМУАИ ШОИРОН” ТАЗКИРАСИДА “БАР АФКАНД” РАДИФЛИ ТАТАББУЪ МУФРАДОТЛАРНИНГ МИЛЛИЙ МАЊНАВИЯТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИДАГИ ЎРНИ



<https://doi.org/10.24412/2181-1784-2022-23-803-809>

Шониёзов Махмуджон Очилович

ТДИУ “Умумий ва аниқ фанлар” кафедраси доценти

Email: [mshoniyozov73@mail.ru](mailto:mshoniyozov73@mail.ru)

### АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада фард жанрнинг адабий жараён тараққиётини таъминлашдаги ўрни қўллэзмаларнинг адабиёт тарихи ва ижодкорлар меросини ўрганишдаги аҳамияти, адабий муҳитни шаклантириши ҳамда шоирларнинг мањнавий оламини юксалтиришдаги ўрни ёритиб берилган.

**Калит сўзлар:** Татаббуъ, фард, муфрадот, жанр, қофия, тажнис, адабий ҳодиса, адабий жараён.

### ABSTRACT

This article highlights the role of the fard genre in the development of the literary process, the role of manuscripts in the study of the history of literature and the heritage of artists, the formation of the literary environment and the development of the spiritual world of poets.

**Keywords:** tatabbu, fard, mufradot, genre, rhyme, tajnis, literary event, literary process.

### АННОТАЦИЯ

В данной статье освещается роль жанра фард в развитии литературного процесса, роль рукописей в изучении истории литературы и наследия художников, формирование литературной среды и развитие духовного мира поэтов.

**Ключевые слова:** татаббуъ, фард, муфрадот, жанр, рифма, тажнис, литературное событие, литературный процесс.

### КИРИШ

Фард жанрининг такомили узок тарихга эга бўлиб, у ўзбек ва тожик адабиётшунослари ҳамда дунёнинг шарқшунос олимлари томонидан атрофлича тадқиқ этилган. Фард мукаммал жанр сифатида майдонга келгунга қадар турли ривожланиш босқичларини босиб ўтган. Бу жараёнда ижодкорларнинг бадиий маҳорати, уларнинг турли услубларда ёндашуви фарднинг жанр сифатида

шаклланишида, шунингдек, унинг жанрий хусусиятларининг сайқал топишига ҳам ўз таъсирини ўтказган. Фарднинг ёзма адабиётдаги ибтидоси ўзбек адабиётида “Девони луғотит турк”дан бошланган. Жанр сифатидаги такомили эса Лутфий, Алишер Навоий ва Бобур ижодида ўз аксини топган. Тожик ёзма адабиётида эса фарднинг дастлабки намуналари Рудакий ижодида учрайди.

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА ТАҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ

Мумтоз лирик жарлардан бири бу - фард. Бу жанрда ижод қилиш учун ижодкордан юксак салоҳият талаб этилади, албатта. Шундан бўлса керак, ҳар қандай шоир бу жанрда ижод этишга ботина олмаган. Мазкур мумтоз жанр Кўқон адабий муҳитини кенгроқ очиб берувчи манба ҳисобланган “Мажмуаи шоирон” тазкирисида ҳам учрайди. Ўзбек адабиётида адабиётшунос олима М.Ойматованинг “Ўзбек адабиётида фард жанри поэтикаси ва тарихи” мазуидаги номзодлик диссертациясида ва Л.Серикованинг “Алишер Навоий фардларининг структураси ҳақида” каби тадқиқотларда мавзу юзасидан мулоҳазалар баён этилган. Шунга қўра, юқорида зикр этилган тадқиқотларни “Мажмуаи шоирон” тазкираси қўллэзмаларидағи фардлар билан қиёсий ўрганишга эҳтиёж туғилди. Фард жанри тараққиётини “Мажмуаи шоирон” тазкирасидаги шоирлар ижоди мисолида тадқиқ этиш, мисолларни аслият ва нашр асосида ўрганиш адабиётшунослик ҳамда матншуносликда муҳим аҳамиятга эга. Қўллэзма манбалар “бар афканд” каби татаббуъ фардларнинг мумтоз адабиётимизда учрашини кўрсатади.

## ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

“XIX аср Кўқон адабий муҳити шоирлари ҳам мазкур жанрда ижод қилишган. Уларнинг ижод намуналари “Мажуаи шоирон”да жамланган бўлиб, улар асосан, форс-тожик тилидаги фардлардан иборат. Кўқон шоирларининг ижодида қофияли ва қофиясиз фардлар учрайди. Булардан ташқари, радифли фардлар ҳам мавжуд. Радифнинг фардлар таркибида қўлланиши муҳим аҳамият касб этади. Бундай адабий ҳодиса адабиёт тарихида биринчи марта Кўқон адабий муҳитида учрайди. Ўша давр адабий жараёни учун адабиётдаги навоторлик ҳисобланади. “Радифнинг фард компазициясидаги лирик воситалик роли қофияникидан сира кам эмас. Радиф фард мисралари мустақиллигини таъминловчи шеърий унсур вазифасини ўташи мумкин”[1; 23].

Муфрадоти Фазлий[2; 342]

Он маҳки, парда аз рухи зебо бар афканд,

Шоядки, як назар тарафи мо бар афканд.

Мазмуни:

Унинг юзи чиройидан ойга парда (соя) ташлади,  
Шоядки, биз томонга бир назар ташлади.

Хижлат

Аз дили касайки нақши таманно бар афканд,  
Ки чашми хўйаш жониби дунё бар афканд.

Мазмун:

Киши қалбидан орзу куйи сочилди,  
Кўзим дунё томонга тушишга одатланган.

Фазлийнинг бу фардида “зебо” ва “мо” ва Хижлатнинг фардида “таманно”, “дунё” сўзлари қофиядош сўзлар ҳамда “бар афканд” радиф бўлиб, ҳар бир мисрадаги мустақил маъно тугаллигини таъминлаган. Ҳар бир мисранинг ўзи алоҳида мустақил маънога эга. Мисралардаги қофиядошлиқ уларнинг ички мантиқий боғланишига сабаб бўлган. Фазлий фардидаги “бар афканд” радиф бўлиб, “рухи зебо” қофияланувчи сўзи билан биргаликда иккинчи мисрани биринчи мисрага эргаштиряпти. Хижлатниг фарди ҳам худди шундай. Ўзбек адабиётида радифли фардлар асосан, Алишер Навоий ва Бобур ижодида учрайди. Бу фардлар ўзидан олдинги ёзилган фардлардан татаббуъ қилганлиги билан фарқ қиласди. Фазлий Наманганий ёзган “бар афканд” радили фардига ўзи ва Хижлатлар татаббуъ қилган. Юқоридаги Фазлий ишлатган “бар афканд” биринчи мисрада “юзини тўсмоқ, яширмоқ”, иккинчи мисрада “назар ташламоқ, қарамоқ” маъноларида ишлатилган. Хижлат фардининг биринчи мисрасида “инсон қалбидаги орзуларнинг ёйилиши, сочилиши” иккинчи мисрасида эса, худди Фазлий фардининг иккинчи мисраси сингари “назар ташламоқ, қарамоқ” маъноларида келган. Шоирларнинг тажнисли фардлар ёзиши улар ижодининг бадиияти нечоғли юксак эканлигига далолат қиласди.

“Мажмуаи шоирон”да қофиясиз фардлар ҳам бор. Адабиётшунос олима Минваржон Ойматованинг қофияли ва қофиясиз фардлар ҳақидаги қуйидаги фикрлари аҳамиятлидир:

“Фардлар ўз таркибига кўра байтнинг айнан ўзидир. Фардларнинг қофияланиши ғазал матлаълари, қасида байтлари, маснавий байтлари каби а а тартибда бўлади. Баъзан а б тартибida қофияланган фардлар ҳам учраб туради. Бу истисно тариқасидаги фардлар бўлиб, улар қўпчиликни ташкил этмайди. Қофия фард композицион тузилишида асосий роль ўйновчи омиллардан бири саналади. Чунки қофия фардда мисралар мустақиллигини таъминловчи вазифани ўтайди”[3; 18].

“Мажмуаи шоирон”дан олинган қуида келтириладиган фардлар радифли ва ижодкорларнинг бир-бирига татаббуъ фардлари бўлиб, уларда ҳам қофия йўқ. Татаббуъ ва радифли фардлар биринчи марта нашр қилиниб, илмий муомалага киритилаётгани учун қуида уларни тўлиқ бердик.

Фазлий

Рўзи шикор чангл шаҳбоз давлаташ,  
Сиймурғи сайдсоз ду анқо бар афканд.

Мазмуни:

Ов куни чангл лочинининг давлати,  
Овчи Сиймурғ иккита анқо[4;89] йиқитди.

Хижлат

Аз бими тири шоҳ дарди захра шерро,  
Рахти шикор чун суи сахро бар афканд.

Мазмуни:

Шоҳ ўқининг дардли шижаоти шерни,  
Ов асбоб-анжоми каби сахро томон ташлади.

Фазлий

Аз тоби меҳр талъати у чархи чормин,  
Хуршидро ба пои Масихо бар афканд.

Мазмуни:

Тўртинчи осмон унинг ҳусни, мұҳаббати нуридан,  
Қуёшни Масиҳонинг аёғига сочди.

Хижлат

Ҳар зарраи гардад оина пардоз бар офтоб,  
Ҳар жо ниқоб аз рухи зебо бар афканд.

Мазмуни:

Ҳар бир зарра чанг офтобда оинага талпинади,  
Ҳар жойда ниқоб чиройли юздан ташланди.

Фазлий

Бинад баҳоби хўйаш агар соиди туро,  
Мусо з-остиини яди байзо бар афканд.

Мазмуни:

Тушида кўрса, агар сенинг оқ билагингни,  
Мусо (каби) енгидан оппоқ нур сочди.

Хижлат

Он сар ки шуд муюссар, у пойи бўсит,

Гирад кулоҳи худ башар ё бар афканд.

Мазмуни:

У бошга бўлди мұяссар, у аёғни ўпиш,  
Олди ўзнинг кулоҳини одам ё тушди.

Фазлий

Толеъ шуд з-сояи шаб нури офтоб,  
Он маҳ з-рўйи зулф матар бар афканд.

Маъноси:

Чикди қуёш, тун соясидан офтоб нури,  
У ой зулфининг юзидан ёмғир сочилди.

Хижлат

Холасат муғтанам ғами мустақбалат хато аст,  
Имрўз корроки ба фардо бар афканд.

Мазмуни:

Холатдир ғанимат, келажак ғами хатодир,  
Бугунги ишники, эртага ташлади.

Фазлий

Дар мажлиси ки, лаъли ту соғаркаши кунад,  
Май-и хўйашро з-дига-и мийно ба-рафканд.

Мазмуни:

Мажлисдаки сени у қизил май ичувчи қилди,  
Майнинг сочилиш одатини яшил шишадан қўринг.

Хижлат

Чун шамиъ равшанаст дар ин ибарат анжуман,  
Ҳар каски сар кашад фалак аз по бар афканд.

Мазмуни:

Модомики, қуёш ёруғдир бу анжуман ибратидан,  
Ҳар киши бош тортди осмон аёғига сочилди.

Фазлий

Султон Умар шаҳаншаҳ дини сайти адли у,  
Оташи ба жон Қайсару Доро бар афкан.

Мазмуни:

Шаҳаншоҳ Султон Умар дин фахри унинг одиллиги,  
Олов Қайсару Доро жонига тушди.

Хижлат

Дорам наму з-рифъати шаҳ лаъл мешуд,

Хуршид чун наззора Бухоро бар афканд.

Мазмуни:

Истеъдодим ўсиши буюк шоҳнинг қизил хати бўлади,  
Қуёшнинг нури Бухорога сочилгани каби.

Фазлий

Ба ҳар дуои давлати у Фазлий ҳазин,  
Ҳар лаҳза сар ба нақши кафи по бар афканд.

Мазмуни:

Ғамгин Фазлийнинг ҳар бир дуоси унинг давлатига,  
Ҳар лаҳза бошидан оёғигача нақш сочилди.

Хижлат

Жижлат зиман давлати Султон Умар сазад,  
Тарҳи сухан ба мардуми доно бар афканд.

Мазмуни:

Сулон Умар давлатининг мукофоти Хижлат учун,  
Сўзнинг тартибини доно кишиларга ташлади.

Кўринадики, қофиясиз тарзда учрайдиган ушбу фардларда шаклдан кўра мазмунга эътибор қаратилган. Алишер Навоий фардларини маҳсус ўргангандан Л.Серикованинг қуидаги мулоҳазалари ҳам фикримизни асослайди:

“Уларда қофиянинг йўқлиги эвазига, мисралар ўртасидаги синтактик ва семантик алоқалар кучайтирилган. Масалан, бир фард бир бутун гап ҳолатида келиши мумкин, яъни унинг мисралари алоҳида олганда граматик жиҳатдан мустақил эмас. Бу жуда кам учрайдиган ҳолат бўлиб, асосан қофиясиз фардларда кузатилади” [5; 59-60]. Демак, мумтоз адабиётимизда кенг истифода этилган мустақил жанрлардан бири фард бўлиб, уларнинг қофияли ва қофиясиз шакллари мавжуд. “... жанр ва унинг ҳажми, шаклий мустақиллиги, ижодкор нуқтаи назари, асарнинг ғоявий ифодасига жиддий эътибор қаратган мумтоз шоирлар ҳеч қачон ҳар қандай фардни ўз ҳолича бошқа жанр таркибиغا киритмаганлар, қолаверса, ҳар қандай мазмунан юксак байтни ўз ҳолича фард жанри намунаси сифатида бошқа жанрдаги асар таркибидан ажратиб олавермаганлар”[6; 101].

## ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Хулоса қилиб айтганда, бундай фардлар жанрий хусусиятларига кўра ғоявий-бадий жиҳатдан “оддий фардлар”га мансуб. “Мажуаи шоирон”даги фардлар ўзидан олдинги фардлардан татаббувъ қилингани билан фарқланади. Бу

фардлар адабиёт тарихида ягилик ҳисобланади. Кўлёзма манбалар асосида фардларни тадқиқ қилиш жараёнида радифли фардлар ҳам борлиги аниқланди.

1. Кўқон адабий муҳити қўлёмалари асарлари бўйича талбалар учун қизиқарли усулда ўргатувчи ўқув қўлланма ва дарсликларни нашрга тайёрлаш;
2. “Мажмуаи шоирон”даги кичик жанрларнинг миллий адабиётимизга қўшган ҳиссаси тўғрисида илмий ишлар яратиш;
3. Таълим тизимида XIX асир ўзбек адабиёти мумтоз жанрларининг илмий қирриларини ўрганишда “Мажмуаи шоирон” асарларидан фойдаланишни жорий этиш;
4. Кичик жанрларни ўрганишда Кўқон адабий муҳити шоирлари асрларининг мумтоз лугатини тузиш ва бошқалар.

#### REFERENCES:

1. Ойматова М. Ўзбек адабиётида фард жанри поэтикаси ва тарихи: Фил. фан. ном...дисс.Т., 1999 . - 23- б.
2. ЎзРФАШИ. № 7510, 342а- сахифа.
3. Ойматова М. Ўзбек адабиётида фард жанри поэтикаси ва тарихи: Фил. фан. ном...дисс.Т., 1999 . - 18- б.
4. Ўзбек тилининг изоҳлил лугати. 5 жилдлик, 1 жилд. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат нашриёти. Тошкент: [Афсонавий қуш; Самандар] Оти бор, ўзи йўқ афсонавий қуш (Гўё Қоф тоғидаги қушларнинг подишоҳи бўлиб яшар эмиш.) 89- бет.
5. Серикова Л. Алишер Навоий фардларининг сруктураси ҳақида. // Ўзбек тили ва адабиёти. 1975 й. № 1, 59-60-бетлар.
6. Жўраева Н. Ўзбек мумтоз шеъриятида байт ва унинг поэтикаси: Фил. фан. номз...дисс. Т., 2004.-101-бет.
7. Mo‘Minov, S. (2022). MEMUAR, BAG ‘ISHLOV VA MARSIYALARDA RAHBAR MULOQOT XULQIGA XOS QIRRALARNING NAMOYON BO ‘LISHI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(2), 689-694.
8. Мўминов, Ш. С. (2022). РАҲБАР НУТҚИНИНГ ТАЪСИР ЎТКАЗИШ УСУЛЛАРИ. *Central Asian Research Journal for Interdisciplinary Studies (CARJIS)*, 2(3), 418-426.
9. Муминов, С. (2021). LINGUOPoETIC FEATURES OF ENGLISH DERIVATIONS IN LITERARY TEXT. *МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ЯЗЫКА, ОБРАЗОВАНИЯ, ПЕРЕВОДА*, 4(2).